

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
МАРКАЗИ**

**ЧОРВАЧИЛИК, ПАРРАНДАЧИЛИК ВА БАЛИҚЧИЛИК  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**



**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЧОРВАЧИЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА**

**ТАВСИЯЛАР**

**ТОШКЕНТ-2017**



“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги  
иљмий-ишлаб чиқариш маркази  
  
Бош директори ўринбосари  
Б.Халиков  
«\_\_\_» февраль 2017 йил.



**ЧОРВАЧИЛИК, ПАРРАНДАЧИЛИК ВА БАЛИҚЧИЛИК  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЧОРВАЧИЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ БҮЙИЧА  
ТАВСИЯЛАР**

**ТОШКЕНТ-2017**

Ушбу тавсия Сирдарё вилоятининг табиий-иқлим шароитида чорва молларини парваришлаш ва уларнинг насл, маҳсулдорлик хусусиятларини ошириш технологиялари мажмуасини ўз ичига олади.

Тавсияномада қорамолчилик, қўй ва эчкичилик, йилқичилик, паррандачилик ва асаларичилик соҳаларини ривожлантиришда ва уларни такомиллаштиришда энг асосий омил мустаҳкам озуқа базасини яратиш, қишлоқ хўжалик ҳайвонларини тўла қийматли озиқлантириш билан таъминлаш, уларнинг маҳсулдорлиги бўйича ирсий имкониятларини тўлиқ юзага чиқариш, селекция-наслчилик ишларини яхшилаш, молларни асраш шароитларини яхшилаш каби долзарб вазифаларнинг ечимлари баён этилган.

Тавсиялар Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан тайёрланган ҳамда \_\_\_\_\_ 2017 йилдаги Илмий кенгашининг №-\_\_\_\_ сонли йиғилишида тасдиқланган бўлиб, мутахассислар, фермер хўжалиги раҳбарлари ва кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.

Муаллифлар: қ.х.ф.д., академик Ш.А.Акмалхонов, қ.х.ф.д., профессор М.Э.Аширов, қишлоқ хўжалиги фанлари номзодлари: А.Нурматов, Б.Аллашов, Р.Рўзиев, И.Эшматов, О.Тўраев, илмий ходим: А.Ибадуллаева.

© Чорвачилик, паррандачилик,  
ва балиқчилик ИТИ

## **Кириш**

Ҳар бир мамлакатда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мамлакат учун катта аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иктисодий масала ҳисобланади. Шу ўринда чорвачилик тармоқларини ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга.

Маълумки, Республикаизда чорвачилик қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб, аҳолини озиқ - овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим ўринга эга. Шуни ҳисобга олган ҳолда Республикаиз Президенти томонидан чорвачилик соҳасини ривожлантириш бўйича муҳим қарорлар қабул қилиниши ва уни ривожлантириш Хукумат дастурлари асосида олиб борилиши чорва моллари бош сонини кўпайишини, уларнинг насл ва маҳсулдорлик сифатларининг ошишини ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг йилдан- йилга кўпайишини таъминламоқда.

Сирдарё вилоятида чорвачиликни ривожлантириш асосан шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари бош сонини кўпайтириш мақсадида қорамол сотиб олиш учун микрокредитлар ажратиш, турли ташкилотлар қошида чорвачилик тармоқлари бўйича ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш ҳамда чорвачиликда наслчилик ишини яхшилаш, чет элдан ирсий салоҳияти юқори наслли молларни олиб келиш, сигирлар ва таналарни сунъий уруғлантиришни қамраб олиш даражасини кенгайтириш, зооветеринария сервис хизматларини янада яхшилаш мақсадида зооветеринария пунктларининг сонини кўпайтириш ва фаолиятини кучайтириш орқали амалга оширилмоқда. Шунингдек, соҳани ривожлантиришда озуқа базасини мустаҳкамлаш учун мавжуд озуқа экин майдонларидан унумли фойдаланиш, озуқабоп экинлар ҳосилдорлигини ошириш ва уруғчилигини ташкил этиш ҳамда аҳоли ва фермер хўжаликларига омухта ем, шрот ва шелуха маҳсулотларини ва дағал, ширали озуқаларни ташкил этилган маҳсус шаҳобчалар орқали етказиб бериш ва бу шаҳобчалар фаолиятини яхшилаб бориш, соҳани ривожлантиришда устувор вазифалар бўлиб турибди.

Бу вазифаларни ижобий ҳал этишда ушбу тавсияларда чорва моллари урчитиладиган барча тоифадаги хўжаликларда урчишиш учун қишлоқ хўжалик ҳайвонлари зотларини танлаш, уларни тўла қийматли озиқлантиришни ташкил этиш, талаб даражасидаги асраш шароитларини яратиш, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, чорвачиликда мустаҳкам озуқа базасини яратиш, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш асосалари ва бошқа соҳани ривожлантиришда муҳим омилларни ҳисобга олиш бўйича тавсиялар келтирилади.

## **Наслчилик иши**

Кейинги йилларда чорвачиликни ривожлантиришга қаратилған чоратадбирлар натижасида моллар бош сони ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсиб боришига эришилмоқда.

Сирдарё вилоятидаги барча тоифадаги хўжаликларда 2017 йил 1-январь ҳолатига 412,6 минг бош қорамол, 130,0 минг бош сигир, 293,5 минг бош қўй ва эчки, 15089 бош отлар, 1936,2 минг парранда мавжуд.

Вилоятдаги барча тоифадаги хўжаликларида соғиб олинган сут микдори 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига 318862 тоннани ташкил этиб, ўтган 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 109,8 %-ни ташкил этди.

Хозирги кунда Сирдарё вилоятидаги қорамолчилик бўйича 35 та наслчилик фермер хўжаликлари бўлиб, уларда 4931 бош қорамол, шу жумладан 2544 бош сигир мавжуд. Бу маълумотлар наслчилик фермер хўжаликларида қорамолларнинг насл негизи яхшиланиб бораётганлигидан далолат беради. Аммо чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликларини янада ривожлантириш, уларда қорамол бош сонини кўпайтириш, ишлаб чиқарилаётган гўшт ва сут ҳажмини бошқа тоифадаги хўжаликлар улушига нисбатан ошириш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Қорамолларнинг насл ва маҳсулдорлик имкониятларини оширишда вилоятда **бушуев, қора-ола, ва голштин зотли қорамоллар** урчитишда асосий зотлар ҳисобланади. Наслчилик тоифасидаги хўжаликларда ҳар бир бош сигирдан ўртача 3156 кг дан сут соғиб олинмоқда.

Республикамизда чорвачилик соҳасини янада ривожлантириш учун шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликлидаги қорамоллар бош сонини кўпайтириш, наслини яхшилаш мақсадида хорижий давлатлардан ирсий салоҳияти юқори наслли молларни олиб келиш ва улардан подаларда унумли фойдаланиш ҳамда селекция - наслчилик ишларида уларнинг наслдор авлодларини кўпайтириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Сирдарё вилояти қорамолчилигига асосан 3-та қорамол зотлари урчитиб кўпайтирилмоқда. Булар сут йўналишидаги бушуев, қора-ола ва голштин зотлари зотлари ҳисобланади.

Қорамолчлик тармоғини янада ривожлантириш ва мавжуд зотларни такомиллаштириш мақсадида республикага хорижий давлатлардан наслли моллар келтиришда қуйидаги зотларни келтириш тавсия этилади:

## **Сут йўналишидаги қорамоллар**

**Республикамизда яратилған бушуев зотли қорамоллар** муҳим хўжалик фойдали белгиларига ва биологик хусусиятларга эга. Улар қуруқ иссиқ иқлим шароитига яхши мослашган, қон паразитар касалликларга чидамли, сигирларининг сути таркибидаги ёғ кўрсаткичи юқори (4% ва ундан юқори), молларда маҳаллий озуқаларни яхши истеъмол қилиб, маҳсулотга айлантириш қобилияти яхши даражада, буқачалари яхши гўшт маҳсулдорлигига эга. Бу зот қорамолларининг асосий қисми Сирдарё вилоятидаги урчитилади.

Сигирларнинг тирик вазни 420-480 кг, айримлари 600 килограммгача етади. Буқаларини вазни 750-800 кг, айримлари 1000 килограммгача боради. Лактация

давомида сигирларининг ўртача 4,0% ёғлиликда 2600-3300 кг, маҳсулдор сигирлар 3,9-4,1% ёғлиликда 4000-5000 кг ва ундан юқори сут маҳсулдорлигига эга.

Хозирги кунда бу зотни қорамолларининг ноёб генофондини сақлаб қолишининг кескин чораларини кўриш, Сирдарё вилояти туманларида ушбу зотни урчитадиган наслчиллик фермер хўжаликлари тармогини кенгайтириш, соф зотли моллар бош сонини кўпайтириш, сунъий қочиришнинг афзаллиги ва иқтисодий самараси тўғрисида кенг тарғибот- ташвиқот ишларини олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Бунинг учун бош сони ва маҳсулдорлигини соф зотли урчиши усулида ошириш, юқори маҳсулдор сигирларнинг селекция гурухларини яратиш, рекордчи сигирлар етиштириш, уларнинг оиласларини яратиш, юқори маҳсулдор сигирларнинг “буқа етиштирувчи гурух”ларини барпо этиш, авлодларининг насл сифати бўйича баҳоланиб, яхшиловчи насл тоифасига эга соф зотли наслдор буқалар етиштириш, наслчиллик корхонасида уларнинг уруғ захирасини яратиш, насли мол тайёрлашни кучайтириш, селекция-наслчиллик, сунъий қочириш ишларини яхшилаш долзарб вазифалар ҳисобланади.

**Қора-ола зоти** бош сони ва сигирларнинг сут маҳсулдорлиги бўйича Республикаизда энг етакчи зот бўлиб ҳисобланади. Бу зотнинг сигирлари озуқани юқори даражада сут билан қоплаш ва улар елини машинада соғиш талабларига яхши даражада мослашганлик хусусиятлари билан ажралиб туради. Буқалари жадал ўсиш ва яхши даражадаги гўшт маҳсулдорлигига эга. Суғориладиган минтақаларда бу зот қорамолларини урчиши маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва самарадорлигини таъминлайди.

Ўзбекистоннинг деярли барча худудларида кенг тарқалган асосий зотлардан бири бўлиб, қора-ола зотли молларнинг Ўзбекистон хили шаклланган сигирларнинг ўртача тирик вазни 480-500 кг, айримлари 650-700 килограммга етади. Сигирларнинг ўртача сут соғими 3500 – 4000 кг. Юқори наслдор сигирлардан лактация давомида ўртача 6000- 7000 кг-дан сут соғиб олинмоқда. Буқачалар гўштга жадал боқилганда 15-18 ойлигига 450-500 килограмм вазнга етади ва сўйим чиқими 55-57 фойизни ташкил қиласди.

Бу зот сигирларининг сут маҳсулдорлиги бўйича ирсий имкониятлари жуда кенг. Бу имкониятларни тўлиқ юзага чиқариш эса 75-80% ҳолатда озиқлантириш омилига боғлиқ. Зотнинг сигирлари озуқага жуда талабчан, бу эса зотни урчишида мустаҳкам озуқа базасини яратиш муҳимлигидан далолат беради.

Бугунги кунда қора-ола зотли қорамолларнинг насл, маҳсулдорлик, пуштдорлик ва технологик хусусиятларини янада такомиллаштириш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Зотни такомиллаштиришда наслчиллик иши 2 хил урчиши усулида олиб борилмоғи даркор: соф зотли урчиши ва чатиштириш усулларида. Чатиштириш усулида қора-ола зотга қариндош жаҳон генофондига хос голштин зотли наслдор буқаларидан фойдаланиш тавсия этилади.


**Голштин зотли қорамоллар** қора-ола зотли молларга қариндош ҳисобланади, асосан қора-ола тусда. Бу зот сут маҳсулдорлик йўналишидаги зот

ҳисобланиб, сигирларнинг сут маҳсулдорлиги бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Жумладан, Европанинг сутдор қорамолчилиги ривожланган етакчи давлатларида, хусусан Германия, Голландия, Швеция, Англия, Франция ва бошқа бир қатор давлатларда 1 бош сигирдан бир йилда 8000 кг-гача, Истроилда 12000 кг-гача сут соғиб олинмоқда, сутнинг ёғлилиги 3,6-3,8% ни ташкил этади. Сигирларининг тирик вазни 650-800 кг, буқаларида эса 1200-1300 кг ни ташкил этади, гўшт чиқими ўртача 56-57%-га баробар.

Сигирларида елин мутаносиб ривожланиб, замонавий соғиш технологиясига яхши мослашган, елин индекси 44-46%-гача, сут бериш тезлиги 2,0-2,5 кг дақиқани ташкил этади ва улар озукани юқори даражада сут билан қоплаш хусусиятига эга. Айниқса бу зот сигирларидан замонавий сутчилик комплексларида кенг фойдаланиш тавсия этилади.



Бушуев зотли қорамол



Қора-ола зотли қорамол

## Соғин сигирларни тўла қийматли озиқлантириш асослари

Сигирларни озиқлантиришда тирик вазни сут маҳсулдорлиги, сутдаги ёғ микдори эътиборга олининб, хўжаликдаги мавжуд озуқалардан меъёр асосида озиқлантирилади. Сут ишлаб чиқариш асосан озиқлантиришга узвий боғлиқ бўлиб, маҳсулот таннархини озуқанинг таннархи белгилайди. Сигирларни лактация бошидаёқ энергияга бўлган талаби тўла қондирилса, улар ўз имкониятига қараб сут маҳсулдорлигини рўёбга чиқаради.

Озуқа меъёрини белгилашда 20-дан ортиқ озуқа таркибидаги кўрсаткичлар ҳисобга олинади. Уларга рацион таркибидаги қуруқ модда, қуруқ модда таркибидаги ҳазмланувчи энергиянинг микдори, хом протеин, ҳазмланувчи протеин, ёғ, қанд, крахмал, клетчатка, витамин А (каротин), витаминлар Д ва Е ҳамда макро-микро элементлар киради.

Софин сигирларни озиқлантиришда асосий эътибор қуруқ модданинг микдорига қаратилади. Софин сигирларнинг ҳар 100 кг тирик вазнига 2,8-3,3 кг қуруқ модда тўғри келиши лозим. Бу кўрсаткич серсут сигирларга 3,5-3,9 кг, рекордчи сигирларда эса 4,1-4,5 кг-га teng бўлиши мақсадга мувофиқ.

Озуқанинг умумий тўйимлилигига нисбатан 25-30 %-ни оқсилга бой озуқалар ташкил қилиши мақсадга мувофиқ. Тез ҳазмланувчи углеводлардан крахмалнинг микдори софин сигирлар рационида ҳисобга олининб, у 1 озуқа бирлигига 120-140 гр атрофига бўлиши керак, қанд –протеинни нисбати софин сигирларда ўртача 1:1 ёки 1:0,8 нисбатда бўлиши лозим.

Озуқадаги клетчатканинг микдори сигирларнинг сут маҳсулдорлигига қараб белгиланади. Қуруқ моддага нисбатан 10 килограммгача сут берадиган сигирларга 28 %-дан, 11,20 килограммда 24 %-дан, 20-30 килограммда 20 %-дан ҳамда 30 килограммдан кўп сут берадиган сигирларга 18-16 %-дан ошмаслиги керак. Софин сигирлар рационидаги 1 озуқа бирлигига 300-400 гр атрофига клетчатка бўлиши лозим. Софин сигирлар рационидаги қуруқ модданинг 2-4 фоизини ёғ ташкил этиши ёки сут билан ажралиб чиқадиган ёғнинг 60-65 фоизи рациондаги озуқалар таркибида бўлиши керак. Сут таркибидаги ёғнинг 35-40 фоизи протеин ва углеводларнинг сут безларида парчаланиши натижасида ҳосил бўлади. Сигирлар рационидаги 1 озуқа бирлигига куйидаги микдорда микроэлементлар бериш талаб этилади: ош тузи 7-7,5 гр, кальций 6,5-7,5 гр, фосфор 4,5-5,5 гр, магний 1,4-2,4 гр, калий 6,7-8,1 гр, олтингугурт 2,1-2,8 гр, микроэлементлар ичida кальций билан фосфорга катта эътибор берилади. Уларнинг нисбати 1,8-1,5-1 нисбатда бўлиши лозим.

Софин сигирлар рационида протеин, ёғ, углеводлар ва микроэлементлардан ташқари витаминларнинг етарли бўлишига эътибор берилади. Софин сигирлар рационидаги ҳар бир озуқа бирлигига 40-50 мг каротин, 1,0 ХБ (Халқаро бирликда) Е, Д витаминлари 30-40 мг берилади.

### **Бузоқларни сут ичиш даврида парваришлаш**

Маҳсулдор моллар етказиш аввало соғлом ва ривожланган 35-40 кг тирик вазнда бузоқ олишдан бошланади. Ҳомила она қорнида нормал ўсиши бўғоз сигирларни дам олиш даврида, яъни бўғозлигининг 8-9 ойларида тўйимли озиқлантиришга боғлиқ бўлади. Сигирлар бўғозлигининг сўнгги 60-65 кунида

тирик вазнини 50-55 килограммга ўсишини таъминлаш керак, шу давр ичидан хомиланинг вазни янги туғилган бузоқлар вазнининг 70%-ни ташкил қиласди.

Бўғоз сигирларни, туғищдан олдин тоза туғдириш биносида сақлаш, туғдириш, бузоқларни соғлом қабул қилиб олиш ҳамда биринчи 2-3 кун давомида ўз онаси билан тоза ва қуруқ хоналарда бирга сақлаб, оғиз сутига тўйдириш керак. Янги туғилган бузоқлар 3-5 кундан кейин ажратиб олиниб, маҳсус—алоҳида уйча-профилакторияларда парвариш қилинади. Уйчаларда ветеринария—санитария қоидаларига асосан тозаликни таъминлаш, бузоқларни сақлаш ва озиқлантириш технологик усулларига риоя қилиниши талаб этилади. Бузоқларни озиқлантириш тартиби ва меъёри маҳсус тасвир асосида амалга оширилади.

Профилактория хоначаларига олинган бузоқларга биринчи ўн кунликда ўз оналарининг оғиз сути берилади. Сўнгра подада соғиб олинган умумий сутдан бериб борилади. Бошқа озуқаларга (омухта ем, беда пичани ва ҳоказолар) ўргатиш бузоқларнинг 15 кунлигидан бошланади. Бузоқларга сут ичиш даврида 350 кг қаймоғи олинмаган сут, 400 кг қаймоғи олинган ёки сунъий сут, 45-50 кг омухта ем, 50 кг пичан, 30 кг силос ва 21 кг сенаж бериш тавсия этилади, шундагина давр охирига бориб, уларнинг тирик вазни 95-105 кг-га етади.

**Подани тўлдирувчи ёш молларни озиқлантириш.** Бузоқлар З ойлигидан 6 ойгача бошқа хоналарга ўтказилади ва 10 бошдан гуруҳларга бўлинади. Бу даврда 135-140 кг-дан омухта ем, 450 кг кўк ўт, қиши пайтида шу микдорда омухта ем, 180 кг пичан, 120 кг сенаж ва 620 кг силос борилади. Бу пайтда бузоқларнинг кунлик вазн олиши 700- 750 граммни ташкил этиб, давр охирига бориб, уларни тирик вазнини 175-180 килограммга етказиш мақсадга мувофиқдир. Бузоқлар 6 ойдан 12 ойгача 10-15 тадан гуруҳ қилиб боғламасдан боқиласди. Бу даврда бузоқларнинг ҳар 1 бошига 4,5-5,0 озуқа бирлигida озуқалар бориб борилади. Бундай боқишида 1 ёшга тўлган бузоқларнинг тирик вазни 285-306 кг-га етади, кунлик 700 гр-дан семиришига эришилади.

Таналарнинг 12-18 ойлик ёшида суткалик вазн ортиш 500-550 гр-га, давр охирига бориб тирик вазнини 360-385 кг-га етказиш, бунинг учун 6,5-7,5 озуқа бирлигida озиқлантириш тавсия этилади. Бу гуруҳда тирик вазни меъёр даражадаги таналар уруғлантириш учун танлаб олинади ва улар зотли наслдор буқалар уруғи билан уруғлантирилади, 2-3 ойдан кейин уруғлантирилган моллар ректаль текширилади ва бўғоз бўлганлари ғунажинлар гуруҳига ўтказилади.

**Ғунажинларни туғишига тайёрлаш ва биринчи тукқан сигирларни серсуглигини ошириш тадбирлари**

Таналар бўғозлигининг 6 ойлигидан сўнг ғунажин гуруҳига ўтказилади. Маҳсулдор сигирлар етиштиришда ғунажинларни озиқлантириш, сақлаш ва туғишига тайёрлаш муҳим ўрин эгаллайди, йирик фермер хўжаликларида алоҳида 30-40 бошдан гуруҳларда, имконияти йўқ фермер хўжаликларида бўғоз сигирлар гуруҳи билан бирга сақланади. Ғунажинлар яйраш майдонлари бор молхоналар ёки айвонли очик майдончаларда сақланиб, кўпроқ фаол ҳарактига имкон бориш зарур. Ғунажинларни туғишига тайёрлаш даврида бўғозлигининг 7 ойлигидан бошлаб бошвоқса ўргатилади, елинлари кунига 2 марта 5 дақиқадан уқаланади,

(3-5 бошдан) тажрибали соғувчиларга қўшимча иш ҳақи ҳисобида беркитилади. Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ғунажиларнинг озиқлантириш ҳамда туккан сигирларни ийдиришига боғлиқ.

Ғунажинларни туғишига тайёрлаш даврида 1 бошга ўртача 130 кг омухта ем, 200 кг беда пичани, 188 кг сенаж, 950 кг маккажўхори силоси, 380 кг нимқанд лавлаги, 4 кг ош тузи, 8 кг бентонитли гилмоя ва витаминли-минералли қўшимчалар қўшиб берилади. Рацион таркибини 28 фоизини омухта ем, 27 фоизини дағал озукалар ва 48 фоизини ширали озукалар ташкил этади. Туғишига 10 кун қолганда ғунажинлар туғруқ бўлимига ўтказилади. Рациондан ширали ва ем озукалари чиқарилиб, сифатли пичан берилади. Физиологик холатини яхшилаш мақсадида ғунажин туғиб бўлганидан сўнг атала берилади. Фақат 10-12 кунлигидан бошлаб асосий рационга ўтказилади.

**Серсүтликни ошириш** – кунлик сут микдорига қараб “аванс” даражасидаги озиқлантириш, кунда 3 маротаба жадал соғиш, елинини уқалаш ҳар 10 қунда назорат соғимини ўтказиш, сигирларни соғишига тўғри тайёрлаш ва соғиши техникасиға риоя этиш, бу тадбирнинг асосий шартларидандир. Сигирларни серсүтлигини оширишда, уларга тўйимли ширали (лавлаги, маккажўхори силоси) ва дағал (беда пичани, ўт уни, беда сенажи) протеин, қанд моддаларига ва кальций, фосфорларга бой бўлган озукаларни бериш юқори самарадорликни таъминлайди.

Кунлик сутнинг 3-4 кг ошишига қараб “аванс” озукалар микдори оширилиб борилади, сигирлар сутини кўпайтириш имконияти чўққисига етгандан сўнг, аста секин камайтирилади ва “аванс” озукалар бериш тўхтатилади. Серсүт қилиш даврида озуқа рационларини тузишига алоҳида эътибор берилади “аванс” озукалар меъёри омухта емлар ва ҳашаки лавлаги ҳисобидан бажарилади. Масалан, кунлик сут микдори 25 кг бўлган соғин сигирга омухта ем рациондаги озукалар тўйимлилигининг 45-50% ни, ҳашаки лавлаги эса 1 кг соғиладиган сут ҳисобига 650-700 граммдан тўғри келиши мақбул. Қишлоғ даврида соғин сигирлар рационида албатта лавлаги ёки ҳашаки сабзи бўлиши шарт, агарда хўжаликда бўлмаса, унинг ўрнига тритикале, арпа, сули донидан ундирилган майсалардан фойдаланиб, кунлик сутига қараб 2,0-4,0 кг бериш тавсия этилади.

Сигирлар лактациясининг дастлабки 90-100 куни мобайнида сут маҳсулдорлигини ошириш, уларнинг серсүт қилиш имкониятини ва маҳсулдорлиги бўйича ирсий салоҳиятини янада яхшилашда муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. (Сигирлар 100 кун мобайнида умумий сутнинг 50 фоизини беради).

### **Қорамолларни асраш**

Ҳайвонлар организми доимий равишда ташқи муҳит билан, аввало ҳаво ҳарорати билан узвий равишда боғлиқдир. Шунинг учун чорвачилик биноларида қулай микроиқлим шароитларини яратишнинг муҳим шартларидан бири ҳайвонларнинг соғлигини сақлаш ва маҳсулдорлигини оширишdir.

Ҳаво ҳарорати қишлоқ хўжалик ҳайвонлар организмидаги моддалар алмашинувига катта таъсир кўрсатади. Ҳаво ҳарорати қанча паст бўлса,

ҳайвонлар тана ҳароратини мўътадил сақлаб туриш учун шунча кўпроқ озуқа сарфлайди. Ҳарорат, намлик ва ҳаво ҳаракати ҳайвонларнинг иссиқлиқ алмашинувига, шунингдек, уларнинг маҳсулдорлиги ва озуқа сарфига ҳам катта таъсир кўрсатади. Намлик ва ҳаво ҳаракати ҳарорат таъсирини кучайтиради ёки аксинча заифлаштиради.

Юқори маҳсулдор ҳайвонлар бинодаги ҳарорат, намлик режимиning ўзгаришига кам маҳсулдор ҳайвонларга нисбатан таъсирчанроқ бўлади.

Четдан келтирилган қорамолларда ёз ойлари ҳаво ҳароратининг меъёрдан ошиши, уларда иштаҳаси бўғилишига, озуқа сарфининг пасайишига, вазни камайиши ва йилига сут миқдори 200-300 кг-гача пасайишига сабаб бўлади, баъзи ҳолларда ҳарорат  $40^{\circ}\text{C}$  дан ошганда офтоб уриб, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Киш даврида молхонада ҳаво ҳарорати ўртacha  $+12 - +14^{\circ}\text{C}$ , бузоқхонада  $+15 - +20^{\circ}\text{C}$ , ёз ойларида эса  $+25 - +30^{\circ}\text{C}$  бўлиши мақсадга мувофиқ. Шунинг учун ёз ойлари молларни чўмилтириш, молхоналарда шамоллатиш ускуналаридан фойдаланиш, жазира мақсади молларни усти айвонли майдончаларда саклаш тавсия этилади.

Сутдор қорамолчиликда ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиб, қабул қилинган қун тартибига қатъий риоя қилиб, юқоридаги зоотехникавий тадбирларни ўз вақтида ўтказиши, чорва молларидан маҳсулот ишлаб чиқаришни 20-30% га ошириш имконини беради.

Шундай қилиб, соҳани янада ривожлантириш халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда долзарб вазифа ҳисобланади. Бунинг учун мавжуд барча имкониятлардан оқилона фойдаланиш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчилик ишини ривожлантириш, чорва молларини асраш шароитларини яхшилаш, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш билан бирга сифатини ошириш ҳамда илмий асосланган замонавий талабларга жавоб берадиган усулларини ишлаб чиқиш, озуқабоп экинларнинг янги серҳосил нав ва дурагайларини яратиш, уларнинг ҳосилдорлигини оширишнинг илғор агротехникасини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришни илғорлар тажрибаси, фан янгиликлари ва ютуқлари билан таъминлаб бориш муҳим вазифалар бўлиб ҳисобланади.

### **Қорамол гўшти ишлаб чиқариш**

Республикамиз мустақилликга эришгандан сўнг гўшт ишлаб чиқариш миқдори (тирик вазнда) 1,82 баравар ўсишга эришилди. Гўшт етиштиришни кўпайтириш захиралари экин майдони структурасини 50 % пахта, 30 % буғдой, 10-12 % беда, 6-8 % маккажўҳори (донга) ва 2 % сабзавот, картошка ва полиз экинларини жойлаштиришда қишлоқ хўжалик ва чорвачилик озиқ-овқат маҳсулотлари қўпаяди, тупроқ шўрланишини олди олинади, органик ўғитлар захираси яратилади ҳамда пахта ва буғдой етиштирувчи фермер хўжаликларида чорва подаси шакланади. Ёш молларни тўйимли озиқлантиришда мавжуд озуқалардан ташқари озиқ-овқат саноати чиқиндиларидан консерва заводи, пиво ва вино тайёрлашдаги, ошхона чиқиндилари, пахта чанғалоғи, ғўзапоя чиқиндиларидан фойдаланиб ресурстежамкор арzon озуқалардан унумли

фойдаланиб 18 ойлигидәң 400-450 килограммга етказиб гүштта топшириш технологияси ижобий самара беради.

Гүшт етиштиришни жадал технологиясида 4-6 ойлик эркак бузоқлар 120 кун парвариш даври, 120 кун ўстириш даврига ва бўрдоқилаш даврига бўлинади.

### **Парваришлиш ва ўстириш даврининг технологик схемаси (У.Н.Носиров ва бошқалар бўйича, 2011)**

Моллар вазнининг ўсиши	Озуқа турлари	Озуқа таркиби				
		Озуқалар миқдори, кг	Озуқа бирлиги, кг	Куруқ модда, кг	Алмашинувчи энергия, МЖ	Хазмланувчи протеин, кг
I- давр (парваришлиш 6-10 ойлик) 120 кун						
Тирик вазни 100-172 кг, ўртача кунлик ўсиш 600 г	Ширави озуқалар	950	190	238	2185	13,3
	Дағал озуқалар	398	175	330	2675	40,0
	Концентрат озуқалар	180	162	153	1800	18,0
Озуқалар миқдори, II-давр (ўстириш 10-17 ойлик) 210 кун						
Тирик вазни 172-350 кг, ўртача кунлик ўсиш 850 г	Ширави озуқалар	2500	580	625	5750	35,0
	Дағал озуқалар	945	415	784	6350	94,5
	Концентрат озуқалар	650	585	553	6500	65,0

Парваришлиш даврида озуқанинг 35 фоизини дағал, 30 фоизини омухта озуқалар, 35 фоизини ширави озуқалар ташкил қиласди. Ўстириш даврида концентрат озуқалар миқдорини 39 фоизга кўпайтириш хисобидан жадаллаштирилади, ўртача кунлик ўсиш 800 граммни ёки 1 килограмм ўсишга 8,43 озуқа бирлиги сарфланади. Бўрдоқилаш технологияси бўйича 150 кун бўрдоқиланди. Бўрдоқилаш даври 3 фазага бўлинади, 30 кун тайёрлаш, 60 кун асосий, 60 кун якуний. Ушбу фазаларда моллар вазнини кунлик ўсиши 900-1000 граммни ташкил қиласди.

Бўрдоқилашнинг 1-чи фазасида озиқлантириш рационини тўйимлилиги бўйича қуруқ моддага нисбатан 38 фоизини ширави, 19 фоизини дағал, 43 фоизини концентрат озуқалари ташкил этади. Молларнинг рационига II-чи фазада рационга пахта шелухаси киритилади ва концентрат озуқалар миқдори оширилади, унинг салмоғи 44 фоизга етказилади. Бўрдоқилашнинг III-чи фазасида ўртача кунлик семириши 1000 граммга этади. Молларга бериладиган озуқалар майдаланади, янчилади, аралаштирилади, ош тузи ва минерал тузлар қўшимчаси қўшиб омухта қилиб берилади. Рациондаги концентрат озуқалар миқдори 56 фоизга кўтарилади, ширави озуқалар 27 фоизни, пахта шелухаси 17 фоизни ташкил этиб, ўртача 13,5 килограмм озуқа бирлиги сарфланади.

### **Бўрдоқилаш даврининг технологик схемаси**

**(У.Н.Носиров ва бошқалар бўйича, 2011)**

Моллар вазнининг ўсиши	Озуқа турлари	Озуқалар микдори, кг	Озуқа таркиби			
			Озуқа бирлиги	Қуруқ модда, кг	Алмашинувчи энергия, МЖ	Хазмла-нувчи протеин, кг
I- фаза (тайёрлаш) 30 кун						
Тирик вазни 350-375 кг, ўртача кунлик ўсиш 900 г	Шириали озуқалар	600	120	150	1380	8,4
	Дағал озуқалар	135	60	112	907	13,6
	Концентрат озуқалар	150	135	128	1500	15,0
II-фаза (асосий қисм) 60 кун						
Тирик вазни 375-430 кг, ўртача кунлик ўсиш 850 г	Шириали озуқалар	1100	220	275	2530	15,4
	Дағал озуқалар	273	120	227	1835	27,6
	Пахта шелухаси	340	75	289	1564	4,3
	Концентрат озуқалар	161	325	307	3610	36,0
III-фаза (якуний қисм) 60 кун						
430-490 кг, ўртача кунлик ўсиш 1000 г	Шириали озуқалар	1100	220	275	2530	15,4
	Пахта шелухаси	614	135	522	2824	7,8
	Концентрат озуқалар	450	450	383	4500	45,0
Жами			1860	2668	23180	188,5

Шахсий, ёрдамчи ва дехқон хўжаликларида молларни бўрдоқилаш енгил типдаги бинолар ва айвон, бостирмаларда, озиқлантириш эса сомон, пичан, пахта шелухаси, шрот, кепак, озиқ-овқат саноати, полиз ва сабзавот экинлари чиқиндиларидан фойдаланиб амалга оширилади.

Гўштга боқишда 150-200 килограммли ёш моллар танланади, парвариш муддати 7-8 ой, бўрдоқилаш 4-5 ой давомида амалга оширилади. Ёш молларни гўшт учун парваришлашда рационнинг 75-80 фоизини дағал ва ширали озуқалар, 20-25 фоизини концентрат озуқалар ташкил қиласи. Бўрдоқилаш даврида концентрат озуқалар микдори 45-50 фоизга оширилади.

Дағал озуқаларни тўйимлилигини ошириш учун 3-4 см узунликда майдаланади, пиво, вино бардаси, патика билан ёки кепак аталаси қўшиб увитилади, 100 кг сомонга 100-120 л 1 фоизли тузли сув қўшилади, ҳар бир бош қорамолга 80-100 граммдан мочевина қўшиб берилади. Увитилган дағал озуқанинг намлиги 70 фоиздан ошмаслиги керак.

Республикамизда 4,5-5 млн. тонна сомон йиғиштириб олинади, шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида молларни боқишда кенг фойдаланилади. Сомондан самарали фойдаланишда унинг тўйимлилигини оширишда кенг қўлланиладиган усуулларидан буғлатиш, ачитиш, қиздириш,

озуқабоп қовоқ ва тарвузлар билан қўшиб бериш яхши самара беради.

Сомонни буғлаш маҳсус темир идишларда 200 килограмм майдаланган сомон солиниб, 1 соат буғлантирилади, 2-3 соат совитилади ҳамда тайёранган озуқага кепак, шрот, барда ва ош тузи қўшиб берилади.

Сомонни қиздириш ва ачишида бетон ёки темир ўралардан фойдаланиб, майдаланган сомон 25-30 см қалинликда 20-30<sup>0</sup>С- да зичланиб 1 ц майдаланган сомонга 60-75 л сув солиниб 3-4 кун мобайнида берилади. Молларни гўштга боқишига пахта шелухаси, сомон, пичан, омухта ем, пахтанинг чанғалоги, ғўзапояси, барда, патика чиқиндилари ва ош тузи аралашмасидан фойдаланиш ижобий натижа олиш имкониятини яратади.

### **Қўйларни парваришлаш**

Сирдарё вилоятида мавжуд қўйлардан гўшт ва ёғ маҳсулоти билан бирга саноат учун муҳим хом-ашё – тери ва жун олинади.

Бу маҳсулдорлик йўналишидаги қўйларни урчишига алоҳида аҳамият берилади. Пода таркиби қуйидагича бўлиши тавсия этилади: она қўйлар 65-70%, наслдор қўчкорлар 1-2%, қўзилар 29-34%.

Қўйчилик фермасида қуйидаги бинолар бўлиши таклиф этилади: она қўйларни сақлаш биноси, подани тўлдирувчи қўзилар биноси, наслдор қўчкорлар биноси, қўйларни сунъий қочириш пункти, қўйларни жунини қирқиши учун пункт ва хизмат қўрсатувчи ходимлар учун хона.

Қўйларни қўзилатиш мавсумига қараб уларни қуйидаги муддатларда қочириш тавсия этилади: уларни қишида (февраль ойида қўзилатишда) 10 сентябрдан бошлаб, баҳорги қўзилатишда (март ойида қўзилатишда) 1 октябрдан бошлаб қочириш тавсия этилади.

Қочириш мавсумида 1 бош наслдор қўчкорга 40-50 бош совлиқни қочириш режалаштирилади.

### **Қўйларни озиқлантириш рациони ва озуқага бўлган талаби**

50 кг тирик вазнли қўйлар учун намунавий рацион,

1 кунда бир бошга

Кўрсаткичлар	Озуқа турлари, кг	Озуқа бирлиги
Ҳар хил ўтлар пичани	3,2	1,34
Омухта емлар	0,4	0,40
Озуқа бирлиги	-	1,74

### **Қўйлар учун яйловдан фойдаланишни ташкил этиш**

Қўйлар учун яйловдан фойдаланишни ташкил этиш учун 1 гектар яйлов ери учун қанча бош сони тўғри келишини, фойдаланиш давридаги яйловнинг кўк массаси хосилдорлигини, қўйларнинг кўк массани ейилувчанлик

даражасини, ялов үти микдорини (кг), 1 кунда 1 бош қўйнинг қанча ялов үти ейишни билиш керак бўлади.

Қўйлар учун қанча гектар ялов ерини аниқлаш учун (ялов үти кўк массаси ҳосилдорлиги 20 центнер) бир ой давомида яловга бўлган талабни аниқлаш керак бўлади. Яловдан фойдаланиш даражаси 60%.

Мазкур яловнинг 1 гектар кўк массасининг 20 центнерли ва 60%-ли ейилувчанлигидаги ҳосилдорлиги 12 ц ( $20 \times 60 : 100$ ) ташкил этади. Ҳар бир қўй кунига 6 кг дан ялов үти ейиши мумкин, натижада 750 бош қўйларга кунига 4500 кг ўт ва 30 кунда эса 135000 кг ялов үти истеъмол қилинади. Шундай қилиб, 750 бошли отарларга бир ойда ялов еридан умумий 112,5 гектар ер ажратиш керак бўлар экан. Фойдаланилган яловлар ўз ҳолатига келиши учун 30-35 кун керак бўлшини ҳисобга олсак, жами бир мавсумда 750 бошли отарлар учун 260 гектар ялов ери керак бўлади.

Февраль-март ойларида қўйларни қўзилатиша ҳар бир бош она қўй учун 2,5-3,0 ц дағал хашақ, 0,5 ц омухта ем, 1 ц силос бўлиши ҳамда қўйлар иссиқ бинолар билан таъминланиши лозим.

### **Эчкиларни озиқлантириш ва асраш**

Жун берадиган эчкилар жуни қирқилгандан кейин май ойидан сентябргача яловларда боқилади. Сентябрь ойида эса уларни тоғ этакларида ва юқори адир яловларида боқиш тавсия этилади. Қиши фаслида, айниқса январь ойидан 20 марта гача она ва ёш эчкиларни дағал ва омухта ем билан озиқлантириш муҳим ҳисобланади. Бўғоз она эчкиларга декабрь ойидан февраль ойигача кечқурун ҳар бир бошига 300 г пичан, январь-февраль ойларидан апрель ойигача ҳар куни 300 г-дан омухта ем ёки арпа ва февраль-март ойларида ҳар бир бошига 400 г-дан пичан бериш тавсия этилади.

Наслдор такаларни қочириш мавсумидан 1-2 ой аввал ва қочириш мавсумида ҳамда ундан 1 ой кейин тўла қийматли кучайтирилган рацион асосида озиқлантириш тавсия этилади. Қиши даврида наслдор такаларни алоҳида сурувларда асраш ва уларни ҳар бир бошига 1 суткада 500 г омухта ем ва 1 кг пичан бериш тавсия этилади.

Қиши даврига ҳар бир бош эчкига 20 кг-дан омухта ем, 130 кг дағал хашак тайёрлаш тавсия этилади. Қиши мавсуми нокулай келиб яловлар ҳосилдорлиги қониқарсиз йилларда эса бу кўрсаткичлар 2 баробар юқори бўлиши тавсия этилади.

Эчкичиликда наслчилик иши ва уларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини яхшилашга йўналтирилган танлаш ва жуфтлашни ташкил қилиш тавсия этилади. Танлаш сурувдаги энг яхши эчкиларни мақбул типини яратиш мақсадида ўтказилади ва қониқарсиз белгиларга эга эчкилар эса танлашдан чиқарилади.

Насл гуруҳига танланадиган эчкилар жунининг ингичкалигига, зичлилигига ва узунлигига алоҳида ахамият берилади ҳамда улар тирик вазни, тана тузилиши, конституцияси, маҳсулдорлиги, келиб чиқиши ва авлодларини насл сифати бўйича танланади.

Наслдор такалар гурухига ёки такалар онасидан ажратиш пайтида, яъни 4-5 ойлигидан бошлаб танланади ва шу пайтда улар тирик вазни, тана тузилиши ва тана қисмларининг жун билан қопланиши бўйича бонитировка қилинади.

Эчкичиликда “яккама-якка” ва гурухлаб танлаш амалга оширилади. Бунда наслдор такага хўжалик фойдали белгиларини ҳисобга олган ҳолда она эчки танланиб жуфтлаш амалга оширилади. (Така 2 йил бир отарда қочириш учун қўлланилади).

Наслчилик тоифасига эга бўлмаган хўжаликларда эса гурухлаб жуфтлашдан, яъни бир гурух она эчкилар гурухида юқори насл сифатига эга наслдор такадан жуфтлашда фойдаланилади.

### Йилқичилик

Чорвачиликда қиши мавсуми ўта масъулиятли давр бўлиб, қишлоғдан беталофот, соғлом яхши семизлик даражасида олиб чиқиши чорвадорларнинг асосий мақсади ҳисобланниб, қиши мавсуми масъулиятли даврдир.

**Наслдор айғирлар.** Бу даврда наслдор айғирлар алоҳида отхонага жойлаштирилади. Бунда ҳар бир айғир учун алоҳида  $16 \text{ m}^2$  дан кичик бўлмаган денниклар бўлиши керак. Айғирлар ҳар куни тозалаб турилади, туёқлари эса ҳар икки ойда тозаланади. Уларни таглиги учун бир кунда 5 кг сомон ёки 15 кг ёғоч қипиғи солинади. Денниклардан гўнг ҳар куни чиқариб турилади, отхонанинг харорати  $+4^{\circ}\text{C}$  дан тушиб кетмаслиги керак. Наслдор айғирлар ҳар куни маҳсус майдончаларида яйратилади. Фақат қаттиқ совук кунлари яйратиш майдончаларига чиқарилмайди.

Айғирларда қочириш мавсумига тайёргарлик январнинг охири февраль ойларидан бошланади ва бу даврда уларни озиқлантириш рациони кучайтирилади. Рационнинг тўйимлилиги айғирларни тирик вазни, зоти, ёши ва бошқа кўрсаткичларига қараб белгиланади. Рацион таркиби ҳар хил бўлиши отларни протеин, кальций, фосфор, каротин ва бошқа тўйимли ҳамда биологик фаол моддаларга бўлган талабини тўлиқ қондириши керак. Рацион ҳар 2-3 ҳафтада ўзгартирилиб янги озуқалар киритиб борилади. Рациондаги озуқалар сифатли бўлиши талаб этилади.

Қиши мавсуми бошланишидан олдин хўжаликлардаги ҳамма озуқалар кимёвий таркиби бўйича тахлил қилинади. Шунга асосан отларни тўла қийматли озиқлантириш ташкил этилади.

**Биялар.** Отларни қочириш мавсумий бўлганлиги сабабли қиши мавсумига биялар асосан бўғоз ҳолида кириб келади. Қиши даврида бўғоз бияларни ажратиб алоҳида парваришлиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Қиши даврида бияларни тўлақийматли озиқлантириш ҳар хил озуқаларни танлаб олишга асосланади. Сифатли пичан билан бирга рационга ҳар хил турдаги концентрат ва ширали озуқалар киритилади. Қиши даври биялар бўғозлигининг иккинчи ярмига тўғри келганлиги сабабли рациондаги концентрат миқдори 1-2 кг-га қўпайтирилади. Бу даврда айниқса кепакдан ва арпадан атала, кунига 2 кг-дан сабзи, ўт ва гўшт-суюк уни ҳамда минерал-витаминли қўшимчалар бериш тавсия этилади.

Қиши даврида биялар отхонага яқин бўлган яйловларга олиб чиқилади. Совуқ кунларда отхонада қолади ва яйратиш майдончаларида яйратилади.

**Тойлар.** Қиши мавсумига ўтиш олдидан октябрь, ноябрь ойларида тойлар оналаридан ажратилади ва улар тамғаланади. Тамғалаш 2 хил усулда амалга оширилади: 1 – куйдириш усули, 2 – совуқ усулда тамғалаш, совуқ усулда тамғалаш оғриқсиз бўлиши ва аниқ қўриниши билан афзал ҳисобланади.

Тойларни онасидан ажратиш жадаллик билан дархол амалга оширилади. Онасидан ажратилгандан сўнг ўсишдан қолмаслиги учун етарли миқдорда сифатли озуқалар билан таъминланиши керак: бунда 3-4 кг майдалангандарпа, 3-5 кг пичан, 0,5 кг кепак ва 2 кг-гача сабзи берилади.

Онасидан ажратилган тойлар 2-3 кун отхонада сақланиб 2-3 отбоқар назоратида яйловга олиб чиқилади. Тойларга қари бияларни қўшиб яйловга олиб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади. Яйловда боқиши даврида тойларга қўшимча равишида майдалангандарпа, кепак ва озроқ пичан берилади. Совуқ тушиши билан яйловда боқиши қисқариб боради. Совуқ тушгач отхонада боқилиб кундузи яйратиш майдончасига чиқарилади ёки 1-2 соат яйловда айлантирилиб келинади. Отхонада сақлаш шароитига ўтилганда эркак тойлар ва урғочи тойлар ажратилади.

Тойлар оналаридан ажратилгандан бошлаб отларга қўлланиладиган барча қоидалар, уларга ҳам қўлланилади, тойларни арқонлаб юришга ўргатилади. Бунинг учун яйратиш майдончасига ёки яйловга олиб чиқишида юганланади. Отхонага олиб киришида ҳам арқонлаб олиб кирилади.

Тойларни тозалашга ҳам аста-секин ўргатиб борилади. Аввал силаб, кейин тойнинг ўзи етмайдиган жойлари (бўйни, кўкраги) қашланади ва сочиқ билан артиб чиқилади. Зинхор қашлағич ишлатилмайди. Бурнининг атрофлари нам сочиқ билан артилади. Шу тариқа қиши мавсуми давомида тойлар қўлга ўргатиб борилади.

Қиши даврида тойлар 4 марта озиқлантирилади. Концентрат озуқалар 3 марта бўлиб берилса, пичан 4 марта, сабзи, лавлаги ва бошқа ширали озуқалар 1-2 марта берилади.

Қиши мавсумида айғирлар учун 12-15 ц, биялар учун 8-10 ц, тойлар учун 5-7 ц-дан сифатли пичан тайёрланади.

Шундай қилиб қиши даврида отларга яхши озиқлантириш, асраш ва парваришлиш шароитлари яратилса қишлоғ беталофат ўтади.

### **Аҳоли хонадонларида товуқ боқиши бўйича тавсиялар**

Тиббиёт мутахассисларининг хulosаларига кўра, киши соғлом бўлиши учун бир йилда ўртacha 9,6 килограмм парранда гўшти ва 121 дона тухум истеъмол қилиши зарур. Аслида парранда гўшти ва тухуми парҳез маҳсулотлари ҳисобланиб, инсон организми учун жуда фойдалидир.

**Товуқ зотлари ва кроссларини танлаш.** Тармоқнинг ривожланишида табиийки, паррандалар наслининг алоҳида ўрни бор. Жаҳонда тухум йўналишидаги паррандаларнинг ҳозирги кунда замонавий кроссларидан “Ломанн” (Германия), “Декалп”, “Хайсекс” “Голд-Лайн” (Голландия), “Хай-

Лайн” (АҚШ) ва “Родонит-3” (Россия) зотлари маълум. Юртимизда ҳам улардан унумли фойдаланилмоқда. 1992 йилда Германиядан бизга “Ломанн” зоти келтирилган бўлиб, ҳозирги кунда мамлакатимиз бозорларидағи тухумларнинг 70 фоизи унинг улушига тўғри келади. Улар жигарранг, оқ ва оч кулранг бўлиб, асосан Самарқанд вилоятидаги “Оғалик – Ломанн парранда” қўшма корхонасида етиштирилган товуқлардан олиняпти. Ушбу зотли паррандалардан уй шароитида бир йилда 270 дона, саноат усулида эса 330 дона гача тухум олиш мумкин.

Дунёда гўшт йўналишидаги паррандалардан товуқларнинг бир қатор наслларидан фойдаланилади. Улар сирасига Англиянинг “Росс-308”, “Росс-708”, Франциянинг “Хаббард F-115”, АҚШнинг “Арбор айкрес плюс”, “Кобб” зотли товуқлар киради. Мазкур зотли товуқлар ҳар бирининг тирик вазни 38-42 кунлигига 2,3-2,5 килограмм тош босади. Бундай пайтда сўйилган жўжаларнинг гўшти юмшоқ ва парҳезбоп бўлганлиги боис ҳам одамлар томонидан севиб харид қилинади. Тўйимлилиги жиҳатидан эса ўрдак ва ғоз гўштидан юқори туради. Боиси уларда тўйимли протеинлар микдори кўпроқ, ёғ микдори эса кам. Ҳозир юртимиздаги паррандачилик хўжаликларида ҳам ана шундай наслли жониворлар парвариш қилиниб, гўшти аҳолига сотилмоқда.

Бройлер — (инглизча: broiler, broil) оловда қовуриш деган маънени билдиради. Бройлер тез етиладиган гўштдор жўжа. Бройлер гўштидан асосан парҳез таомлар тайёрланади. Бройлер гўшти олиш учун жўжа қисқа муддатда етарли даражада семиртирилади. Бунинг учун оғир вазнли ва тез етиладиган Росс-308, “Кобб”, “Хаббард F-15” бройлер кросслари, “корниш”, “оқ плимутрок”, “Суссекс”, “Ньюемпшир” каби сертухум ва сергўшт зотли хўroz ва товуқларнинг чатишишидан олинган дурагай жўжалардан фойдаланилади.

Оддий уй жўжаси асосан тухум йўналишида бўлади. Бройлер жўжалари эса гўшт йўналишида боқилиб, 38-42 кунда тирик вазни 2,3-2,5 кг. бўлади. Гўшт олиш учун етиштирилган бройлер жўжалар технология бўйича 1-2 кун ичida сўйилиши шарт. Акс ҳолда, бу фурсат чўзилиб кетса, улар тирик вазнини тезда йўқотади. Шу боис, бройлерларни боқиш вақти энг кўпи билан 5-6 ҳафтани ташкил этади.

Маълумотларга кўра, парранда гўшти тез ҳазм бўлиш хусусиятига кўра барча турдаги чорва моллари гўштидан устун туради. Таркиби ҳар хил кимёвий элементларга бой. 2 ойлик жўжа гўшти таркибида 20 фоизга якин оқсил, 10-12 фоиз ёғ бўлади. Бройлер жўжаси гўштининг ҳазм бўлиш коэффициенти 94 – 95 фоизни ташкил килади. Юртимизда бройлер жўжалар биологик, яъни ўз таркибида меъёрга асосан озуқа моддалари, 20 дан ортиқ витаминалар, макро - микроэлементлари мавжуд бўлган витамин – минералли премикслари билан бойитилган, тўйимли ва сифатли омухта ем билан озиқлантирилади.

Паррандачиликда парранданинг зоти, ёши, вазни, маҳсулдорлигини инобатга олиниб тўйимли озуқалар билан боқиш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун озуқа таркибига витаминли – минерал премикслар, аминокислоталар, ферментлар, пробиотиклар ва бошқалар озуқа қўшимчалари талаб этилган меъёрларда қўшилади.

Хозирги кунда озуқаларнинг сифатини ва таркибини экспресс усулда аниқлаш учун лаборатория анжомлари мавжуд. “Оҳалик – Ломанн парранда” қўшма корхонасида 1996 йилдан бери Германиянинг “Меллер” технологик анжомларидан фойдаланилмоқда. Хозирги вақтда Українанинг “ТЕХНА”, Германиянинг “Хелманн” ва “Салмет” компанияларининг технологик анжомлари саноат паррандачилигининг замонавий талабларига тўлиқ жавоб беради. Туркия, Эрон, Хитой давлатларида ишлаб чиқилган паррандачилик технологик анжомларида хам паррандачилар томонидан талаблар мавжуд. Бухоро вилоятида Озарбайжон давлати билан ҳамкорликда паррандаларга озуқа тайёрлаш заводи, Қибрайдаги паррандаларга премикслар тайёрлаш минизаводлари фаолият қўрсатмоқда. Тошкент вилоятидаги “Ишонч – Надежда” фермер хўжалиги ва Самарқанд вилоятидаги “Оҳалик – Ломанн парранда” қўшма корхонаси Россиянинг Пятигорск шаҳридан яна З тадан комплект келтирилган замонавий инкубаторлар фаолият қўрсатиб турибди.

### **Асалари оиласини озиқлантириш**

Эрта баҳорда оилани кучини ошириш мақсадида қўшимча қиём беришни амалга ошириш зарур. Асаларилар учишга имкон топа олмайдиган совуқ кунларда, уларга рамка устидан асал озуқаси бериб турилади. Мабода об-ҳаво қулай келиб, асалариларнинг фаол учишларига имкон бериб турса, дарахтлар гуллагунга қадар, суюқ шакар шарбати бериш мумкин. Шакар шарбати 1 x 1 нисбатда, яъни 1 кг шакарга 1 литр сув қўшиб 50 %-ли озуқа тайёрланади. Шакар шарбати (ҳар куни ёки кун ора) бир меъёрдаги озуқа таъминоти таассуротини вужудга келтириб, она асаларини тухум қўйишга фаолроқ кириштиради. Оилада озуқа етарли бўлган тақдирда 100-150 грамм микдорида шарбат берилади, озуқа захираси оз бўлганда, унинг микдори кўпайтирилади. Шакар шарбати оз-моз нордонроқ бўлгани маъқул. (10 литр шарбатга 3 грамм сирка эссенцияси қўшилади).

Асалари оиласида ёш асалари наслининг микдори кўп бўлганда, асаларилар сувга кўпроқ эҳтиёж сезади. Шунда сувдонга қайнатилган илиқ сув солиши мақсадга мувофиқdir. Бундай илиқ сув кун бўйи асалариларни таъминлаши мумкин.

Асалари оиласини парвариш қилаётганингизда, асалари даладан яхшигина шира олаётган бўлса, янги берилган мумпардали рамкаларни бир кунда тўқиади. Уядаги рамкаларнинг устки қисми оқариб кетади, ҳатто уядаги рамкалар устидаги сурп-матони хам мум билан ёпишитириб қўяди. Бу белгилар асал тортиш даври бошланишини билдиради.

Асалли рамкалар устидаги мум қопқоқчалар, ўткир тиғли ва қайноқ сувда илитилган пичоқ ёрдамида кесиб олинади. Бундай рамкалардаги асал асалторткич асбоби ёрдамида ажратиб олинади. Асали олинган рамкаларга бир оз сув сепиб, асалари оиласига берилса, уни асаларилар тез ва осон тозалаб қўяди.

Асал тортиш мавсуми тугагач, асалари оиласи қишлоғга тайёрланади. Бунинг учун қишлоғга кетадиган асалари оилаларига кўп микдорда ёш

асаларилар бўлиши таъминланади ва ҳар бир асалари оиласига қишлоў учун 10-15 кг гача озуқа учун сифатли асал қолдириш лозим.

Қишлоўга кетадиган асалари уясидаги рамкаларнинг устига ва ён томонида иситиш ёстиқчалари билан ўраб қўйилади. Асалари қутисидаги устки ва остки учиш туйнуклари ҳажми битта асалари қириб чиқадиган даражада торайтириб қўйилади.

### **Асалари касалликлари ва уларни олдини олиш**

Асалари оиласини ривожланишига асосан варроатоз, акарапидоз, америка ва европа чириш, нозематоз, аскосфероз, пестицидлар билан заҳарланиш ва бошқа бирнеча инфекцион ва инвазион касалликлар тўсқинлик қиласи. Варроатоз касаллиги бугунги кунда асалариларнинг энг хавфли касаллиги бўлиб, каналар ишчи, эркак ва ёш асалари насли танасида паразитлик қилиб яшайди. Агар йил давомида варроатозга қарши курашилмаса, асалари оиласи нобуд бўлиши мумкин.

Асаларининг касалликлари икки гурухга; юкумли ва юкумсиз касалликларга бўлинади.

Асалари касалликларининг олдини олишнинг энг асосий йўлларидан бири – асалари оилаларининг зооветеринария қоидаларига асосан ҳар йили ветеринария врачи кўригидан ўтказиш ва асалариларга баҳорда антибиотик дорилар қўшилган қўшимча озуқалар беришдир. Асалариларни нормал боқиши тадбирлари кўрилган жойларда асаларилар жуда кам касалланади.

Асаларилардаги кўпгина касалликлар деярли бир хил белгига эга бўлади. Шунинг учун ҳам фақат мутахассисларгина касалликни аниқлай олишлари ва унга қарши муваффақиятли даволаш тадбирларини қўллашлари мумкин. Касалликни аниқлаш, кўпинча турли ташхислар қўйиш ёрдамида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам касалликнинг дастлабки белгилари пайдо бўлиши биланоқ, касалланган асаларилардан ва унинг наслидан намуна олиб, яқин орадаги ветеринария лабораторияларига мурожаат қилиш керак.

Қишлоқ хўжалик экинлари зааркунандаларига қарши кимёвий препаратларни қўллашда хавфсизлик чораларига риоя қилиш лозим, акс ҳолда асалари оиласи заҳарланиб ўлиши мумкин.

Асаларичиликда куз фаслини бошланиши билан асаларининг касалликлари ва зааркунандаларига қарши курашиб бориш ва ветеринария доридармонларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Куз фаслида асалари оиласини ҳар қандай касалликлар пайдо бўлишдан асраш чораларини кўриш лозим.

### **Чорвачиликда ресурстежамкор бинолардан фойдаланиш**

Республиканинг табиий иқлим шароити ёзда иссиқ, кучли қуёш радиацияси, қишида совуқ ва намгарчиликдан сақлашга мослашган ресурстежамкор, арzon, лекин зоогигиеник талабларга жавоб берадиган, молларни асрash учун қулай, ёруғ ва турли механизmlардан фойдаланиш имкониятларини берадиган чорвачилик биноларини қуриш мақбул ҳисобланади.

Буларни қуришда молларнинг ёши, физиологик хусусиятлари, ўсиш ва ривожланиши, маҳсулдорликни таъминлайдиган ҳамда саломатлигини ҳимоя қиласидиган технологик жараёнлар талабларига тўлиқ жавоб бериши керак.

Республикада чорвачилик биноларини лойиҳалаш институтлари томонидан сигирхона, бузоқхона, молхона ва уларнинг очиқ майдончалари, айвонлар ва бостирмаларнинг турли лойиҳалари ишлаб чиқилган.

Чорвачилик биноларини қуришда б 6 та бўлимларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир - ишлаб чиқариш биноси, озукаларни сақлаш ва уларга ишлов бериш биноси, ветеринария хизматини кўрсатиш биноси, ёрдамчи ишлар биноси, ташқи инженерлик хизмати иншооти (гараж), гўнгларни сақлаш хандаклари. Замонавий технологик талабларда чорвачилик биноларини арzon ва енгил типда лойиҳалаштириш ва қуриш алоҳида аҳамиятга эга.

Аҳолининг ёрдамчи ва дехқон хўжаликларида чорва моллари учун енгил, қулай ва арzon типдаги биноларни қуриш алоҳида аҳамият касб этади. Аҳоли хонадонларида шартли моллар сони 3-4 бош, қорамол, қўй ва паррандалар учун алоҳида бинолар қуриш мўлжалланади. Қорамолларни сақлайдиган бинонинг баландлиги 3-4 метрли бостирма ва бир томони ёпиқ айвонлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Сақлаш, озиқлантириш ва гўнгдан тозалаш жойларидан иборат бўлиб, молларни бир жойда туриши ва ётишига қулайликлар яратилади. Айвон-бостирмаларни қуёш тушиши томонга қаратиб қуришга эътибор берилади.

Дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари бош сонни ва маҳсулдорлигини оширишда бугунги кунда озуқа базасини мустаҳкамлаш, озуқа сифатини яхшилаш, экинларни етиштириш учун зарур ер майдони билан таъминлаш, чорва молларини ҳарид қилишда кредитлар билан таъминлаб бориш, бозор инфратузилмаларини ривожлантириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек; озиқ-овқат саноати чиқиндилари ҳамда пахта саноати чиқиндиларидан унумли фойлананиш, буғдойдан бўшаган майдонларга эрта пишар маккажўхори ва оралиқ экинларини серҳосил навларини экиб, юқори ҳосил олиш, пахта майдонларидан қолган ғўзапояни ўриб, қайта ишлашни амалга ошириш, саноат усулида илғор технологияларга эга янги типдаги сутчилик ва бўрдоқилаш йўналиши бўйича ихчам комплексларни (озуқа етиштиришга ва озуқа экинлари уругини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириб бориш устувор вазифалар сифатига киради.

## Озуқа базасини яратишда озуқа экинларини алмашлаб экишни жорий қилиш

Озуқа базасини мустаҳкамлашда озуқа экинларини алмашлаб экиш муҳим ўрин өгаллади. Профессор И.В.Массино ва бошқаларнинг (2010 й.) маълумотларига кўра, озуқа экинларини алмашлаб экиш қишлоқ хўжалик ҳайвонларини талабини ҳамда рацион тўйимлилигини таъминлайдиган экинлар етиштириш имкониятини яратади. Шунингдек:

1. Эҳтиёжга мувофиқ дағал, ширали, яшил ва омухта озуқалар миқдорини жамғариш имкониятини беради.
2. Йилига икки маротаба ҳосил олиш мумкин.
3. Тупроқнинг унумдорлигини оширади.

Келтирилган схема бўйича 2 далада беда ва 4 далада маккажўхори ва оралиқ экинлар навбатлаб экилади. Беда август-сентябр ойида экилиб, фойдаланишнинг иккинчи йили сентябр-октябр ойида хайдалиб оралиқ экинлар экилади. Оралиқ экинлар фақат сентябр ва октябр ойларида ва маккажўхори май ойида экилади. Йил давомида икки марта ҳосил олинади.

### **Олти далали алмашлаб экишга танланган озуқа экинлари:**

- беданинг - “Тошкент-1”, “Тошкент-3192”, “Тошкент-1798”, “Тошкент-2009” навлари;
- маккажўхорининг – “Ўзбекистон 601 ECB” ва “Қорасув 350 АМВ” дурагайлари;
- оралиқ экинлар: арпанинг – “Болғали”; тритикаленинг “Кумушсимон Праг”; хашаки нўхатнинг- “Восток 55”; сулининг – “Ўзбекистон кенг баргли” навлари.

1 тасвир

### **Озуқа экинларини олти далали (қисқа ротацияли) алмашлаб экиш схемаси (И.В.Массино ва бошқалар бўйича, 2010)**

Май- дон тарти- би	Алмашлаб экишдаги навбатли йиллар					
	1-йил	2-йил	3-йил	4-йил	5-йил	6-йил
1	Беда 1	Беда 2	1.Оралиқ экин (сенаж учун) 2.Маккажўхори (силос учун)	1.Арпа (донга) 2.Маккажўхори (силос учун)	1.Оралиқ экин (силос учун) 2.Маккажўхори (дон учун)	1.Оралиқ экин (сенаж учун) 2.Маккажўхори (силос учун)
2	1.Оралиқ экин (сенаж учун) 2.Маккажўхори (силос учун)	Беда 1	Беда 2	1.Оралиқ экин (сенаж учун) 2.Маккажўхори (силос учун)	1.Арпа (донга) 2.Маккажўхори (силос учун)	1.Оралиқ экин (силос учун) 2.Маккажўхори (дон учун)
3	1.Оралиқ экин (силос учун) 2.Маккажўхори (дон учун)	1.Оралиқ экин (сенаж учун) 2.Маккажўхори (силос учун)	Беда 1	Беда 2	1.Оралиқ экин (силос учун) 2.Маккажўхори (дон учун)	1.Арпа (донга) 2.Маккажўхори (силос учун)

4	1.Арпа (донга) 2.Маккажү-хори (силос учун)	2.Оралиқ экин (силос учун) 2.Маккажү-хори (дон учун)	1.Оралиқ экин (сенаж учун) 2.Маккажү-хори (силос учун)	Беда 1	Беда 2	1.Оралиқ экин (силос учун) 2.Маккажү-хори (дон учун)
5	1.Оралиқ экин (силос учун) 2.Маккажү-хори (дон учун)	1.Арпа (донга) 2.Маккажү-хори (силос учун)	1.Оралиқ экин (силос учун) 2.Маккажү-хори (дон учун)	1.Оралиқ экин (сенаж учун) 2.Маккажү-хори (силос учун)	Беда 1	Беда 2
6	Беда 2	1.Оралиқ экин (силос учун) 2.Маккажү-хори (дон учун)	1.Арпа (донга) 2.Маккажү-хори (силос учун)	1.Оралиқ экин (силос учун) 2.Маккажү-хори (дон учун)	1.Оралиқ экин (сенаж учун) 2.Маккажү-хори (силос учун)	Беда 1

Ушбу олти далали алмашлаб экиш схемасидан озуқабоп экинларни экиб етишириш чорвачиликда озуқа базасини мустаҳкамлашда муҳим тадбир бўлиб хисобланади.

## М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3
Наслчилик иши.....	4
Сут йўналишидаги қорамоллар.....	4
Софин сигирларни тўла қийматли озиқлантириш асослари.....	7
Бузоқларни сут ичиш даврида парваришлаш.....	7
Подани тўлдирувчи ёш молларни озиқлантириш.....	8
Ғунажинларни туғишга тайёрлаш ва биринчи туқсан сигирларни серсутлигини ошириш тадбирлари.....	8
Серсутликни ошириш.....	9
Қорамолларни асраш.....	9
Қорамол гўшти ишлаб чиқариш.....	10
Қўйларни парваришлаш.....	13
Эчкиларни озиқлантириш ва асраш.....	14
Йилқичилик.....	15
Аҳоли хонадонларида товуқ боқиши бўйича тавсиялар.....	16
Асалари оиласини озиқлантириш .....	18
Асалари касалликлари ва уларни олдини олиш.....	19
Чорвачиликда ресурстежамкор бинолардан фойдаланиш .....	19
Озуқа базасини яратишда озуқа экинларини алмашлаб экишни жорий қилиш.....	20





